

**أُولَاقَفَ مَلَسَوْهَ لَعْلَعْلَلِ لَصَلَلِ لُؤْسَرِ لِرْمَاعِ يَنْبُذَفَوَءَاجَو
أَنْمَطَعَأَو، أَلَصَفَ أَنْلَصَفَأَو؛ أُولَاقَ. «هَلَلِ لُؤْسَرِ لَاقَ. أَنْدِيَسَتَنْ أ
مُكَّنِي رَجَتَسِي أَلَو؛ مُكَّلُوقَ صَعَبٌ وَأَمْكُلُوقَ بَ أُولُوقَ»؛ لَاقَ. أَلُوطَ
دَمَحَأَمَامِ أَلِو دُؤَادَ وَبَأَهَأَوِرَ. «نَاطِيَّشَلِ**

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига Бану Омирнинг элчилари келишди. Бас, улар:

«Сиз саййидимизсиз», дейишди.

«Саййид Аллоҳдир», дедилар у зот.

«Фазлда афзалимизсиз, ато(мол бериш)да каттаимизсиз», дейишди.

«Бу гапингизни ёки бу гапингизнинг баъзисини айтаверинг. Фақат шайтон сизларни тезлатиб юбормасин», дедилар».

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Меъёрида ва ҳаддан ошмасдан мақтов сўзларини айтиш мумкинлиги шу ҳадиси шарифдан олинади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларини мадҳ қилганлари ҳақида кўплаб ҳадислар келган.

Суфён ибн Уяйна дейди: «Ўзини билган одамни мадҳ қилиш зарар қилмайди».

**نُبَأُ دَاذِقُ مَلَا دَحَأَفَ، وَهَجَوَ يَفُ هُنَعُ هَلَلِ لُؤْسَرِ نَامُثُعَ لَعْلَعْلَلِ لُجَرَءَاجَو
هَلَلِ لُؤْسَرِ لُؤْسَرِ لَاقَ؛ لَاقَو وَهَجَوَ يَفَ اَثَحَفَ أَبَارْتِ دَوْسَأَلِ أ
دُؤَادَ وَبَأَهَأَوِرَ. «بَارْتِ لَامُوهُؤُؤُ وَ يَفَ أَوْثَحَأَفَ نَيَحَأَدَمُ لَامُتِي قَلِ إِذِ»؛ مَلَسَوْ
يَذَمَّرْتَلِ أَو مَلَسُومَ**

«Бир киши келиб, Усмон розияллоҳу анҳуни юзларига мақтади. Миқдод ибн Асвад тупроқ олиб, унинг юзига сочди ва: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон маддоҳларни кўрсангиз, уларнинг юзига тупроқ сочинг», деган эдилар», деди».

Абу Довуд, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Бундан маддоҳларни маддоҳликдан қайтариб туриш ҳам зурурлиги келиб чиқади. Бўлмаса, улар ўз маддоҳликларида ҳаддан ошиб, бир-бирлари билан мусобақалашиб бораверадилар.

Бир киши ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг юзларига қараб туриб, маддоҳлик қилди. Али розияллоҳу анҳу аввал шу одам ўзларини ёмонлаб юргангани билар эдилар ва унга: «Мен сен айтганчалик эмасман. Аммо ичингда сақлаб турганингдан устунман», деди.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди